SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2003-YIL ■ 14-YANVAR ■ SESHANBA ■ 6 (27.026) ■ UZB OVOZI@SARKOR.UZ ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона қўмиталари, «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Мелиев Умар** — Давлат божхона қўмитасининг Божхона суриштируви ишлари бошқармаси бош инспектори

**Мухтаров Махмуд Сабирович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ризаметов Назриддин Ахмедович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгаши раиси

**Садиров Ибрагимжон Мамасалиевич** — Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисм командири

**Син Олег Игоревич** — Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедраси бошлиғи

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»**

**Хасанов Оқил Ахатович** — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси Тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Республикамиз қуролли кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, давлатимиз ва халқимизнинг осуда ҳаётини муҳофаза этишда мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатганлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

**II-ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдусаломов Алижон Бариджанович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

**Атамуратов Сафарбай Тажибаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Камилов Акмалжон Адхамович** — Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм командири

**Каримов Миргалим Кабилович** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Мустафаев Исан Муртазаевич** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Набиев Мухиддин Уктамович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати пости бошлиғи

**Рустамов Фарход Ибрагимович** — Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм взводи командири

**Худоятханов Валижон Ахматханович** — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармасининг ҳарбий қисм взводи командири

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдуллаев Наиль Зелимханович** — Қашқадарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси тезкор бўлими бошлиғи — бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Гайфуллин Руслан Адипович** — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси тоғли ҳудудлардаги жиноят қидирув бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи

**Ниязалиев Бахтияр Анарметович** — Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм командири

(Давоми 2-бетда.)

# Ватан ҳимоячиларига байрам табриги

*Азиз аскар ва сержант ўғлонларим!*

*Қадрли офицер ва генераллар, муҳтарам фахрийлар!*

*Ўз ҳаётини она-заминимизни ҳимоя қилишдек муқаддас ишга бағишлаган юртдошларим!*

Авваламбор, барчангизни қутлуғ байрам — Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсизлар.

Бугун биз юртимизда эркин ва обод ҳаёт, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз турмушини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб нуфузли ўрин эгаллаш йўлида қўлга киритаётган, халқаро ҳамжамият тан оладиган ютуқларимиз ҳақида мамнуният билан гапиришга ҳақлимиз.

Шу билан бирга, атрофимизда, яқин ва узоқ минтақалардаги қарама-қаршилик, зиддият ва низолар, халқаро терроризм каби даҳшатли хавф тобора кучайиб бораётган мураккаб бир вазиятда эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, уни турли бало-қазолардан асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашни бугунги кундаги ўта муҳим ва энг долзарб вазифамиз тариқасида қабул қилишимиз даркор.

Шу борада замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, ихчам ва ҳаракатчан, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни шакллантириш ва шу мақсадда амалга ошираётган ислоҳотларимиз нақадар долзарб эканини, уларнинг аҳамияти ва моҳиятини тушуниш, англаб етиш қийин эмас.

Миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига, шу билан бирга, энг замонавий талаблар ва андозаларга мос келадиган армиямизни барпо этиш ҳақида гапирар эканмиз, ўтган қисқа давр мобайнида ана шу мақсадга эришиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилганини айтиш зарур.

Аввало, мамлакатимизнинг Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилиб, шу негизда Қуролли Кучларимиз модернизация қилинаётган бир пайтда унинг таркибини мутлақо янгича асосда — энг кичик гуруҳдан тортиб бригадагача қайтадан тузиш, ҳарбий округлар, махсус қисм ва бўлинмалар ташкил этиш, биз яшаётган Марказий Осиёдаги мавжуд хавф-хатарлар, юртимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж ва юришларнинг олдини олиш борасидаги ислоҳотлар минтақамиздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилаётгани шулар жумласидандир.

Юртимиз хавфсизлиги ва мамлакатимиз истиқболини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган бундай йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларни қатъиятлик билан охирига етказиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, фахри ва ифтихори бўлмиш миллий армиямизни барпо этиш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар қайси инсоннинг муқаддас бурчига айланиши зарур.

Албатта, ўз Қуролли Кучларини қураётган ва унинг куч-қудратини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат ҳарбий тузилмаларни энг замонавий, мутлақо янги тамойиллар асосида яратилган техника ва ҳарбий ускуналар, қурол-яроғ билан таъминлаши даркор. Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Аммо бундай вазифани ҳисобга олган ҳолда Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий маҳоратини ошириш, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар қандай машаққатли синовдан шараф билан чиқиш, аввало, сиз, бугун хизмат қилаётган ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликни, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, энг замонавий қурол-яроғларнинг сир-асрорини пухта эгаллашни тақозо этади.

Бу ўз навбатида Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган инсонларимиз, авваламбор, оддий аскар ва сержантлар, офицер ва генералларимизнинг мустаҳкам ирода ва фидойилиги, она-юртга меҳр-муҳаббат ва садоқатига сўзсиз боғлиқдир.

Шу маънода, армиямизда соғлом маънавий муҳитни яратишда таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор бериш, ҳарбий тайёргарлик жараёнини илғор техник ва технологик воситалар, янгича усул-услублар асосида ташкил этиш, ҳарбий хизматнинг интеллектуал мезонлари ва йўналишларини takомиллаштириш йўлида бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз шарт.

Айниқса, сержантлар тайёрлаш мактаблари, замонавий ҳарбий полигонлар, офицер кадрларни тайёрлаш бўйича моделлаштириш ва симуляция марказлари фаолиятини, шунингдек, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида амалга оширилаётган ўқув машғулотларининг самарадорлигини юксак босқичга кўтаришимиз лозим.

Энг муҳими, шуни такрор ва такрор айтмоқчиман: ҳарбий хизматни ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган, бутун ҳаётини Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну кун, тиним билмасдан ўз ҳарбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган машаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Биз бу борада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, нафақат сержант ва офицерлар, шартнома-контракт бўйича хизмат қиладиган ҳарбийларнинг, айни вақтда муддатли хизматга чақирилган оддий аскарларнинг ҳам молиявий таъминотини янада яхшилашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Шундай амалий мақсадларга эришиш йўлида Олий Мажлисимизнинг яқинда бўлиб ўтган X сессиясида қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун алоҳида ўрин тутади. Бу қонунга мувофиқ ҳарбий хизмат муддатини 12 ойгача қисқартириш, янги турдаги армияни шакллантиришга доир ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ўз фарзандларини катта орзу-умидлар билан армия сафига кузатаётган ота-оналарнинг кўнглини хотиржам қилишига, мухтасар қилиб айтганда, фуқароларимиз учун армияда хизмат қилишни нафақат фахрли бурч, балки олий шарафга, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлантиришига, унинг нуфузини янада оширишига ишонаман.

*Қадрли Ватан ҳимоячилари, мард ўғлонларим!*

Тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, жажжи болаларимизнинг қувноқ кулгуси, ота-оналаримизнинг осуда умр кечириши — Аллоҳ таоло ўзи бизга берган мана шундай ҳаётнинг ҳимояси, уни асраб-авайлаш, кўз қорачиғидай сақлаш барчамизнинг, авваламбор, сизларнинг қўлингиздадир.

Халқимиз армия сафларида хизмат қилаётган ўз фарзандларига ҳамиша ғурур ва ифтихор билан қарайди, ўз армиясига, Ўзбекистон Қуролли Кучларига ишонади.

Ана шу юксак ишончга доимо муносиб бўлишингизни истайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони**

## БУГУН — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



# Қутлуғ байрамга бағишланди

Мамлакатимизда умумхалқ байрами — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг ўн бир йиллиги кенг нишонланмоқда.



Шу муносабат билан 13 январь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишга Қуролли Кучларимиз вакиллари — оддий аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, уруш ва меҳнат ҳамда армиямиз фахрийлари, олий ҳарбий ўқув юртларининг курсантлари, армия сафида Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф билан адо этаётган ёшларнинг ота-оналари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, меҳмонлар йиғилди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мудофаа вазири Қ.Ғуломов шонли санага бағишлаб маъруза қилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимиз ташкил топгани, армиямиз ўн бир йил мобайнида мураккаб, аммо шарафли йўлни босиб ўтгани таъкидланди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини мустаҳкам ҳимоя қилмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида армиямизда улкан ўзгаришлар содир бўлди. Бу муваффақиятлар, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов ташаббуси билан ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ, албатта.

Йиғилишда мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатдан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш — Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси М.Ўтаганов, истеъфодаги подполковник Б.Рўзиев, ўғли Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган З.Азимова ва бошқалар Ватан ҳимоячиларини анъанавий байрам билан қизғин табриклади.

Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона қўмиталари, «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 январдаги Фармонига биноан фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда ана шу давлат мукофотлари уларга тантанали вазиятда топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизнинг бир гуруҳ ҳарбийларига ҳарбий ва махсус унвонлар бериш тўғрисидаги Фармони ҳам ўқиб эшиттирилди.

Тадбир катта концерт билан якунланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Худайбергенов, А.Азизов, Президент ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг котиби Ғ.Облоёров иштирок этди.

**(ЎзА)**

# Олотда чегара пости

Бухоро вилоятининг Олот туманида чегара пости қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тумандаги 188-очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари бу ерда 1,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Аскарлар уйи — казарма, ошхона, машқлар майдони, ҳарбий техника сақланадиган ва бошқа иншоотлар ҳозирги замон профессионал армияси талабларига тўла жавоб беради. Пост яқинида Офицерлар шаҳарчаси ҳам бунёд этилди. «Ватан ҳимоячилари куни» арафасида кўплаб ҳарбийлар янги уйларга кўчиб кирищди.

Олотда ушбу чегара постининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда нафақат ҳарбийлар, балки «Нуроний», «Камолот», «Маҳалла» жамғармаси фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси М.Ўтаганов иштирок этди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири**

## ПОСБОН



***Ўғлим, ҳақ деганни қўллагил фақат,***
***Парвоз қилар бўлса — осмони бўлгил.***
***Ёвузликка қарши қудратинг кўрсат,***
***Мудом эзгуликнинг посбони бўлгил.***

**Абдулла ОРИПОВ**

# Ҳарбийлар кўргазмаси

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Марказий музейида учинчи бор бадиий ижод кўргазмаси очилди.

Унда олтмишдан ортиқ ҳарбий қисм ва округларда бўлиб ўтган танловларда саралаб олинган ҳарбийларнинг асарлари намойиш этилди. Юзлаб иштирокчилар орасида Жамшид Ашуров, Фахриддин Рапиқов, Азиза Юнусова ва Руслан Павловларнинг ижоди таҳсинга сазовор деб топилди.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган мазкур кўргазма Қуролли Кучларимиз сафида ҳам кўплаб истеъдодлар борлигини яна бир бор кўрсатди.

Тадбир давомида ҳарбийларимиз ўзларининг ватан олдидаги бурчларини адо этиш билан бирга ўз истеъдодлари билан ҳам юртимизга хизмат қилаётганларига амин бўлдик.

**Анвар САМАДОВ**



# Армияда хизмат қилиш нафақат фахрли бурч, балки олий шараф, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабидир

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона қўмиталари, «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Хасанов Ильясхан Ашрапович** – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги Давлат фельдъегерлик хизматининг катта офицери

**Шаймарданов Уктам Хасанович** – Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси Контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши курашиш бўлими муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдукаримов Аваз Рихсибоевич** – Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармасининг ҳарбий қисм взводи командири

**Азизов Мамиржон Махмуджонович** – Мудофаа вазирлигининг батальон гуруҳи мутахассиси

**Анаркулов Хайрулла** – Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Артиков Саид Сабиржанович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг махсус гуруҳи командири ўринбосари

**Ахмедов Ахрор Тошмурзаевич** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости ўқчиси

**Ахмедов Бобур Оманкелдиевич** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

**Ахмедов Васлиддин Рахматуллаевич** – Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Ахмедов Салимжон Собирович** – Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм батальони командири

**Бегматов Лутфулло Махмудович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг гуруҳи катта разведкачиси

**Бозоров Юнус Эргашевич** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ботуров Азамкул Халимович** – Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Гаипназаров Бахтиёр Пардаевич** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара дивизиони қўриқчи кема командири

**Жўраев Тўлкинжон Ибрагимович** – Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармасининг тезкор вакили

**Исаев Наурызбай Сапарбаевич** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати взводи командири

**Каримов Вали Амонович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кетмонов Хатамжон Абдурахмонович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Комаров Игорь Викторович** – Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳининг командири

**Қосимов Ахмад Қодирович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секция командири

**Косимов Мухаммадали Шералиевич** – Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм артиллерия батареяси командири

**Маматмуратов Тимур Рахимович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати пости бошлиғи

**Машарипов Ахмеджан** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирошкин Александр Федорович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мурачев Олег Олегович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Насретдинов Фируз Бобирович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости отлиқ-мергани

**Насритдинов Зафар Шавкитдинович** – Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси пост-патруль хизмати батальони милиционери

**Ниязов Рустам Таганович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара взводи назоратчиси

**Нуралиев Мансур Махмудович** – Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармасининг катта тезкор вакили

**Нурматов Абдуллажон Абдулхакович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости назоратчиси

**Обидов Сайдулло Солиназарович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара райони гуруҳи командири ўринбосари

**Раззоқов Жабборберди Абдуллаевич** – Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Раимбердиев Одилжон Мухитдинович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара взводи катта назоратчиси

**Рахимов Алишер Баходирович** – Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг назорат-текширув бўлинмаси техниги

**Сафаров Уктам Абдурашидович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг отряди гуруҳи командири ўринбосари

**Туйчиев Толиб Эгамбердиевич** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита чегара взводи назоратчиси

**Тулепов Айдарбек Медетович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Усманов Бахтиёр Хабибуллаевич** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хусанов Ойбек Хамроқулович** – Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисмининг йўриқчиси

**Шаматов Абдуллажан Мирзажонович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости назоратчиси

**Шарипов Аъзам Муродуллаевич** – Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармасининг ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Эргашев Кувончбек Юнусович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси командири

**Эшчанов Нураддин Нориманович** – Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм қўриқлаш отряди ўқчиси

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Бердиев Асадулла Абдикахарович** – Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ўқув батальони катта инструктори

**Гайбуллаев Исматулла** – Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали қон ва унинг компонентларини тайёрлаш марказининг бошлиғи

**Гозиев Норимкул Умарович** – Жиззах вилояти Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Дадажанов Джахангир Шухратович** – Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм взводи командири

**Джураев Усмон Бакаевич** – Давлат божхона қўмитасининг Бухоро вилояти бошқармаси «Олот» божхона назоратини ўтказиш комплекси суриштирувчиси

**Зиядов Бахадыр Зейнуллаевич** – Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг таъмирлаш гуруҳи командири

**Казаков Баходир Алиевич** – Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм взводи командири

**Каримов Гани Кадирберганович** – Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг таъмирлаш гуруҳи командири

**Кузиев Умарбек Искандарович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости алоқа секцияси операторы

**Курбанов Алишер Хамидович** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маллабаев Шавкат Зайнидинович** – Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм взводи старшинаси

**Мамуров Набиджан Ганиджанович** – Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Андижон вилояти кенгаши раиси

**Маннанов Одилжон** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нурматов Сагдылла Зубаевич** – Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм таъмирлаш-монтаж цехининг катта техниги

**Пулатов Абдукамал Кадирович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юрти кафедраси доценти

**Рузматов Шовкатбек Хамитович** – Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Саидов Рамиль Азатович** – Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи

**Сапаров Улуғбек Абдуллаевич** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Скляревский Павел Семёнович** – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Сманов Қалдыбек Оразулы** – Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази кичик инспектор-кинологи

**Тиркашев Учкун Насриддинович** – Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Уланов Алексей Юрьевич** – Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг муҳандислик хизмати бошлиғи

**Хайрулин Рашит** – Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми алоқа марказининг ўқув жараёнини таъминлаш катта инструктори

**Халиков Эркин Тураевич** – Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг хизмат кўрсатиш ва техникаларни сақлаш бўлими техниги

**Хушвақов Шавкат Равшанович** – Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танкчилар қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг ўқув машиналарини ҳайдаш бўйича гуруҳи инструктори

**Шелепов Александр Анатольевич** – Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг алоқа узели секция командири

**Эшонкулов Кахрамон Олтинович** – Жануби-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий суди раиси

**<u>Юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатимиз ва жамиятимизда ҳуқуқ ҳамда манфаатларни ҳимоя қилиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:</u>**

**Абдумажидов Шухрат Халдаралиевич** – Давлат божхона қўмитасининг Андижон вилояти бошқармаси «Андижон» темир йўл бекатидаги ташқи иқтисодий фаолият божхона пости бошлиғи

**Балашова Галина Абдурахмановна** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясининг чет тиллар кафедраси мудири

**Курганбеков Махмуд Муханович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясининг кафедра бошлиғи ўринбосари – муҳандислик хизмати бошлиғи

**Лазарев Валерий Олегович** – Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юрти кафедраси катта ўқитувчиси

**Матгазиев Мухаммадамин Тошпулатович** – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги Давлат фельдъегерлик хизмати Фарғона вилояти бўлинмаси бошлиғи

**Нурматов Рустамжон Равшанбек ўғли** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нурходжаев Анварбек Кораходжаевич** – Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғининг ўқув-услубиёт бўйича ўринбосари

**Пулатов Элдор Хакимович** – Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси – жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи

**Саидов Камолиддин Зайниддинович** – Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисм секциясининг командири

**Сафрыгин Александр Григорьевич** – Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлар бош бошқармасининг ҳарбий қисм бўлими бошлиғи

**Таджибаев Зухриддин Мухритдинович** – Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Наманган вилояти Наманган тумани бўлими бошлиғи

**Турдиматов Аманбай Базарбаевич** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ульмасов Сунатилла Пазылович** – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси

**Хомидов Махмуджон Сотволдиевич** – Фарғона вилояти пост-патруль хизмати батальони милиционери

**Юнусов Қахрамон Мелиевич** – Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 январь

## Байрам тадбири

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли нуқталарида эл-юрт тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлиги, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фавқулодда вазиятларда юртимиз аҳолисига малакали ёрдам беришга доимо шай турган ҳарбийлар, шу тизимда узоқ йил самарали меҳнат қилган фахрийлар, вазирлик ходимлари иштирок этдилар. Байрамни вазир вазифасини вақтинча бажарувчи полковник А.Саидов очиб, барча йиғилганларни қутлуғ сана билан самимий табриклади.

Республикамиз Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, давлатимиз ва халқимизнинг осуда ҳаётини муҳофаза этишда мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Қашқадарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси тезкор бўлими бошлиғи – бошқарма бошлиғининг ўринбосари Наиль Абдуллаев «Меҳнат шуҳрати» ордени билан, Бухоро вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи Саидов Рамиль «Шуҳрат» медали билан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғининг ўқув-услубиёт бўйича ўринбосари Анварбек Нурходжаев, Наманган вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси Наманган тумани бўлими бошлиғи Зухриддин Таджибаев Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

**ФВВ Матбуот маркази**





**<u>Юрт ҳимояси — ишончли қўлларда</u>**



## МЕНИНГ қисмим — маҳаллам

Одатга кўра одамзот ўтган умрининг ҳар бир соати, куни, ҳафтаси, ойини ўзича сарҳисоб қилиб боради. Шу аснода ютуқларни ҳам, камчиликларни ҳам таҳлил этади. Ўзбекистон ҳарбийлари учун учинчи минг йилликнинг иккинчи йили самарали кечди. Биринчидан, мамлакат миқёсида – Олий Мажлиснинг тўққизинчи, ўнинчи сессияларида ҳарбий хизматнинг нуфузини, обрўэътиборини оширадиган янги таҳрирдаги қонунлар муҳокама қилинди, қабул этилди. Президентимиз – Қуролли Кучларимиз Олий бош қўмондони Ислом Каримов ўз маърузаларида замон талабларига жавоб берадиган профессионал армияни ташкил қилиш, юрт посбонларида фидойилик, халқпарварлик, ватанпарварлик, бурчга садоқат хислатларини янада ошириш ҳақида қайта-қайта сўз юритдилар.

Бу ҳар бир ҳарбий учун катта масъулият касб этиши табиийдир. Зотан, юрти, миллати шон-шарафи учун курашадиган посбон ҳар доим, ҳар ерда шу масъулият юкини чин юракдан ҳис этиб туради. Ўз ваколати доирасида, ўқув машқларида, машғулотларда, синовларда энг юксак натижаларни кўзлайди. Албатта, бу қийин ва ўз навбатида фахрли аъмолдир.

Иккинчидан, Қуролли Кучларимизда ўта муҳим бир жараён бошланди. Энди сонга эмас, сифатга талаб кучайтирилмоқда. Бу нафақат аскар шартнома бўйича хизматчи ёки офицерга, балки ҳар бир қисм, қўшин, бутун армияга таaллуқлидир. Эндиликда касбий маҳоратини мунтазам оширмаган ҳарбийлар замон талабидан орқада қолиб кетади. Тенглар ичра тенг бўлиш жисмоний куч, қалб қўри билан интелектуал қувват уйғунлигини тақозо этади. Армиямиз халқаро ўқув машқларида фаол қатнашаётгани, ҳарбийларимиз ривожланган давлатларда малака ошираётгани, таълим олаётгани ана шу муштаракликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

Учинчидан, 2002 йилда Қуролли Кучларимизда ислоҳотлар янги босқичга ўтди. Армия билан халқни ўзаро яқинлаштириш, демократлаштириш, икки тарафлама ишонч ва ҳамкорликни кучайтириш бўйича салмоқли, кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг шонли 11 йиллигини муносиб қарши олмоқдамиз. «Обод маҳалла йили» ҳарбийларимиз ҳаётида ҳам ўзига хос тарзда акс этмоғи муқаррар. Энди ҳар бир қисмда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишига мутлақо янгича назар ташланади. «Менинг қисмим – менинг маҳаллам», шиори кенг кўламли амаллар билан қувватга киради.

**Майор Азимбек УСМОНОВ**

## ЖАНГ МАШҚИ

*Аскар укаларимга*

Қашқадарё вилояти ҳарбий қисмларига қилинган сафар давомида ёзилган шеър

*Исмингиз ким,*
*Усмонми, Азим?*
*Билмадим...*
*Муҳаммадми, Юсуф?*
*Бу гал жанг оғирроқ*
*Кечар азизим,*
*«Душман» қўйган йўлларни тўсиб...*

*Йўқ,*
*Бу шунчаки «жанг машқи» эмас,*
*Чинаккам жанг!*
*Ғалаба йўли!!!*
*Ғалабанинг эса ёлғони бўлмас,*
*Ғалаба шу —*
*Ҳаёт ё ўлим!*

*Қани кетдик,*
*Чиданг,*
*Эмакланг*
*Тошларга босингиз кўкракни.*
*Шу тошлар... шу ҳаво... шу тупроқ*
*Бизники,*
*Бизга ҳам керак-ку!*

*...Жанг олдидан олов сўз*
*Юракка экилади.*
*Аскар оғам сўзласам,*
*Дил сим-сим тўкилади.*

*Ким аяса жонини,*
*Шаънин урар тупроққа*
*Эрмас ёв қаршисида*
*Тушгувчилар титроққа.*

*Биринг кўз бўл, биринг қўл.*
*Қўшил, Рустам Достон бўл!*
*Чор тарафга солма йўл,*
*Мушт бўл — Ўзбекистон бўл!*

*...Қани энди.*
*Кетдик.*
*Ўқдан тез учинг!*
*Шаштингиз шоширсин Осмонни!*
*Чиданг.*
*Ўққа чап беринг*
*Ахир, зафар қучмоқ осонми?!*
*...Тепаликдан «душман» ўт очар,*
*Токи маҳв этмасак*
*Тугамайди жанг.*
*Фақат олға!*
*Энди...*
*Тирик қолиш-чун*
*Сўнгги ҳамла зарур —*
*Ўқларни тежанг!*

*Ватан номи билан,*
*Озодлик номи билан,*
*Сўнгги ҳамла!*
*Чекинмоқ йўқлик,*
*Қулликдир.*
*Бу — синов палла.*

*Мана...*
*Етдик!!*
*Яшанг!*
*Бир ҳамла!*
*Энди.*
*Ғалаба!*
*Зафар шавқи чулғар жаҳонни,*
*Ана!*
*Осмон қутламоқда шаън*
*Ғолиб келган Ўзбекистонни.*

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

# Аграр соҳа раҳбарлари ўқуви бошланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари ҳамда агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ўн кунлик семинар-мунозараси бошланди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида олиб борилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, соҳага тегишли қонунлар, ҳукумат қарорларини чуқурроқ ўрганиш, эришилаётган ютуқлар, йўл қўйилаётган муаммо ва камчиликларни биргаликда муҳокама қилиш ҳамда келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков очди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, қишлоқда туб ўзгаришлар юз беришига эришиляпти. Ҳосилдорлик ўсиб, деҳқонда ерга, мулкка, етиштирган маҳсулотига эгалик ҳисси ортмоқда. Хўжалик юритишнинг мақбул усул ва иқтисодий механизмлари қатъият билан жорий этилаётир.

Аграр соҳада изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли бу йил мамлакатимиз тарихида энг кўп — беш ярим миллион тоннага яқин ғалла етиштирилди. Дастлабки натижаларга кўра, хўжаликларнинг 75 фоизи қарийб 45 миллиард сўм фойда олиши, пайчиларга эса 7,8 миллиард сўм дивиденд берилиши кутилмоқда. Бу — олдинги йилга нисбатан икки баробар кўп демакдир.

Пахтачиликда юзага келган ўзига хос муаммоларга қарамай, юқори сифатли «оқ олтин» хирмони уюшга эришилди. 3 миллион 159 минг тонна пахта тайёрланди.

Шу билан бирга кўпгина вилоят ва туманларда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, айрим туман ва хўжалик раҳбарларида иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятини етарлича англамаслик, соҳани ривожлантиришга оид қонун ва меъёрий ҳужжатларни амалиётга татбиқ этишда камчиликларга йўл қўйиш, фермер хўжаликлари ташкил этишда тегишли билим ва тажриба етишмаслиги сезилмоқда.

Семинар давомида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, муаммолар ҳамда уларнинг ечими юзасидан батафсил фикр-мулоҳаза юритилади.

Семинарнинг биринчи кунида мамлакатимизда икки палатали парламент тизими жорий этилишининг аҳамияти, иқтисодиётни замон талабларига мослаштириш, жамиятни маънавий юксалтириш, барча соҳаларни эркинлаштириш, ҳозирги босқичда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ҳамда хавфсизликни таъминлашни мустаҳкамлаш билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари В.Голышев, З.Ҳусниддинов, Бош вазир ўринбосари Э.Ғаниев ва бошқалар маъруза қилди.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов, Бош вазир ўринбосари Н.Юсупов иштирок этди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

## XORIJDA

**2002 йилнинг 5 ноябрида АҚШда** бўлиб ўтган 108-парламент сайловларида 1974 йилда ўтказилган 94-конгресс сайловларидаги ҳолат, яъни ўхшаш ҳодиса қайд этилди. Гап конгресснинг ҳар икки палатасида айни бир партия вакилларининг кўпчиликни ташкил этиб қолиш ҳолати ҳақида бормоқда. Бироқ, 1974 йилги ҳолатнинг акси ўлароқ, бу сафарги сайлов натижаларига кўра, ҳар икки палатада республикачилар партияси ғолиб чиқди. Улар вакиллар палатасида 229 (демократлар 205 та), сенатда 51 та (демократлар 48 та) ўринни ишғол этдилар. Икки йил муқаддам ўтказилган 57-президент сайловларида зафар қучган АҚШнинг 43-президенти кичик Ж.В.Бушнинг ҳамда ҳозирдаги 50 губернаторнинг 26 таси республикачилар партиясига мансублигини ҳисобга олсак, техаслик президент ва унинг партияси бошига бахт қуши қўнди ҳисоб. Бу албатта, президент учун тақдирнинг беназир туҳфасидир. Ак-6 киши марказий комитет аъзолигига сайланмади. Улар орасида мамлакатнинг амалдаги раҳбари Цзян Цзэминь ҳам борлиги, ҳар ҳолда, кўпчиликни ҳайратга солди. Собиқ аъзолардан 59 ёшли «тўртинчи авлод» вакили Ху Цзинтаогина қайта сайлана олди, холос. Кўпчилик унинг сиймосида янги Хитой раҳбарини кўришаётган бўлсада, мамлакатни 15 йилдан бери бошқариб келаётган, айни қурултойда Ҳарбий комитет раиси этиб сайланган 76 ёшли Цзян Цзэмининг 2003 йил мартда бўлиб ўтадиган халқ вакиллари умумхитой мажлисининг кейинги сессиясига қадар давлат раҳбари сифатида қолиши аниқ. Ҳозирча «буюк хитой девори»ни янги авлод вакиллари ёриб ўтишга ожизлик қилишмоқда, шекилли.

**Бразилияда** бўлиб ўтган президентлик сайловларида (30 октябрь) сўл партия етакчиси Луис Лула да Силва (61,5 фоиз овоз) ғалаба қозонган бўлса, 27 декабрда **Кенияда** бўлиб ўтган парламент сайловларида миллий муҳолиф партия ғалаба қозонди ва унинг раҳбари Мваи Кибани президент этиб сайланди.

Парламент сайловлари бўлиб ўтаётган бир вақтда парламент инқирозлари ҳам бўлиб турди. Жумладан, **Австрия** ва **Исроилда** парламент муддатидан аввал тарқатиб юборилди.

Маълумки, 1999 йил 3 октябрда Австрия Миллий Кенгаши — мамлакат парламентининг Депутатлар палатасига бўлиб ўтган сайловларда миллатпараст Йорг Хайдернинг радикал руҳдаги Австрия Озодлик партияси 38,6 фоиз овоз билан ғалаба қозонган эди. Натижада, 2000 йил 3 февралда ҳокимият тепасига ўнглар иттифоқи — Австрия халқ партияси ва Озодлик партияси вакилларидан иборат ҳукумат келган эди. Бу икки партия парламентдаги 183 ўриндан 104 тасини қўлга киритдилар. Бош канцлер этиб Халқ партиясининг раҳбари консерватор В.Шоссель, вице-канцлер этиб эса Озодлик партияси вакили С.Рейс — Пассер сайланган эдилар. Ўта ўнг радикал кучларнинг ҳукуматга киритилиши Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарлари ва Австрия халқининг кескин қаршилигига сабаб бўлган эди. Норозилик тарзида Исроил мазкур давлатдаги ўз элчисини чақириб олди. 2000 йилнинг 18 февралида мамлакат пойтахти Вена кўчаларида 150-200 минг атрофидаги кишилар нацизмга қарши намойишга чиқдилар ва ўз норозилигини билдирдилар. Дарҳақиқат, Австрияда ўта ўнг кучларнинг парламентдаги фаолияти узоққа чўзилмади. 2002 йилнинг 20 сентябрида мамлакат парламенти бош канцлер томонидан муддатидан аввал тарқатиб юборилди. 25 ноябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари янги парламент сайловлари эса амалдаги федерал канцлер В.Шюсселнинг Австрия халқ партияси 42,27 фоиз кўпчилик овоз билан муваффақият қозонди. Австрия Озодлик партияси эса бор-йўғи 10,16 фоиз овоз тўплай олди. Шу билан радикал ўнгларнинг ҳукумат таркибида қолишига ҳам ўз-ўзидан барҳам берилди.

**2002 йилнинг 3 декабрида Исроил** парламенти — Кнессет парламент ичидаги ички низолар ва «Авода» партиясининг ҳукумат таркибидан чиқиб кетиши туфайли юзага келган сиёсий тангликни бартараф этиш мақсадида бош вазир А.Шарон таклифи билан мамлакат президенти томонидан тарқатиб юборилди. Янги сайловлар янги йилнинг февраль ойида бўлиши кутилмоқда.

Ирландия, Эфиопия, Аргентина, Македония... яна қанча давлатларда парламент ва президентлик сайловлари бўлиб ўтмади, дейсиз. Буларнинг барчасини бир мақолада ёритиш қийин. Бироқ, тафсилотларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни беришимиз мумкин:

**биринчидан,** демократик сайловларда мўътадил ва радикал ўнг қанот партияларнинг фаоллиги ошиб бормоқда. Бу бир қатор ижтимоий муаммолар ва миллатпарастлик, экзагонизм кайфиятлари билан боғлиқ ҳолатдир;

**иккинчидан,** ривожланган мамлакатларда, айниқса, Европада абсентеизм — онгли равишда овоз беришдан воз кечиш анъанаси ҳамон 60-65 фоизни ташкил этмоқда;

**учинчидан,** сайловлар тобора саҳналаштирилган шоу — томошага айланиш эвазига катта харажатларни кемириб бормоқда. Масалан, АҚШда ўтказилган президентлик сайловларида 900 млн. доллари сарфланган 1,5 млн. телеролик ижро этилганлиги фикримиз далилидир. Дарвоқе, мамлакатда сайлов тизимини такомиллаштириш учун АҚШ ҳукумати 2000 йилдаёқ 3,4 млрд. доллар қўшимча маблағ ажратган эди.

Қисқаси, демократик сайловлар тизими ҳали ўзининг туб моҳиятини очиб бера олмаётганга ўхшамоқда. Уни янгича мазмун билан бойитиш, янада халқчиллигини ошириш янги аср талабидир.

# Демократик сайловларга бир назар

• ТАДҚИҚ ВА ТАҲЛИЛ

...синча ҳолатда, яъни муҳолиф партиянинг парламентда кўпчиликни ташкил этиб қолиши президент учун қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкинда. Мисол тариқасида, парламентдаги кўпчилик демократлар билан кескин муросасизлик туфайли, таҳликали «Уотергейт» ишидан сўнг 1974 йил 8 августда истеъфо берган республикачи Р.Никсон ҳақида эслаб ўтиш кифоя.

Маълумот ўрнида қайд этиб ўтамизки, АҚШда президент 4 йил муддатга сайланади. Конгресснинг қуйи — вакиллар палатаси 2 йилга, Сенат эса 6 йилга сайланган ҳолда, Сенатнинг учдан бир қисми ҳар икки йилда янгиланиб турилади. Демак, ҳар тўрт йилда президентлик ва парламентнинг ҳар икки палатасига сайловлар бир вақтга тўғри келади.

**Ноябрь ойининг биринчи якшанбасида Туркияда** бўлиб ўтган парламент сайловлари нафақат Осиё ва Европадаги, балки океанорти мамлакатлари раҳбарларининг ҳам тинчини йўқотди. Исломий кайфиятларни намоён этувчи Тоиф Ражаб Эрдўғоннинг Адолат ва тараққиёт партияси парламентдаги 550 ўриндан 363 тасини қўлга киритди. 16 ноябрда ташкил топган ҳукумат раҳбари этиб мазкур партиянинг яна бир йўлбошчиси Абдулло Гул сайланган ҳолда, партия вакилларидан яна 24 киши ҳукумат таркибига кирди. Мазкур сайлов натижалари Туркиянинг Европа Иттифоқи билан муносабатларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта. Назаримизда, Иттифоқ остонасида турган «Троя оти»нинг йўли равонга ўхшамайди.

Энг катта ўзгариш яқин қўшнимиз **Хитойда** содир бўлди. **14 ноябрда** ўз ниҳоясига етган Хитой коммунистик партиясининг 16-съезди мамлакат ҳаётида катта янгиликлар эшигини очгандай бўлди. Партиянинг кекса авлодларидан

(Давоми. Боши ўтган сонда.)



ВАРШАВА. МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

**Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

## Шартномадан чиқди

Шимолий Корея (КХДР) ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага аъзоликдан чиққач, АҚШ Президенти Жорж Буш ва Хитой Президенти Цзян Цзэминь телефон орқали боғланиб, масалани муҳокама этдилар ва бу муаммога ҳамкорликда ечим топишга қарор қилдилар. «Уларнинг таъкидлашларича, КХДРнинг шартномадан чиқиши халқаро жамоатчиликка қаттиқ таъсир қилди. АҚШнинг КХДРга нисбатан душманлик қарашлари йўқлигига Президент Буш алоҳида урғу берди ва КХДР билан дўстона қарорга келишиб олишга умид билдирди», деди Оқ уйнинг матбуот котиби Ари Флейшер.

АҚШ давлат котибининг ўринбосари Жон Болтоннинг айтишича, Корея Халқ Демократик Республикасининг ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномадан чиқиши «бутунлай кутилмаган ҳолат эмас». Негаки, Шимолий Корея барибир шартномага риоя қилмаётган эди.

Мазкур масала юзасидан Жанубий Корея ҳам муносабат билдириб, баёнот берди. У қўшнисининг шартномадан чиқишини жаҳон тинчлигига таҳдид, деб баҳолади. «КХДРнинг шартномадан чиқиши ҳақидаги баёноти тинчликка ва Корея ярим оролидаги хавфсизликка қилинган жиддий таҳдиддир. У халқаро ҳамжамиятнинг ядро қуролини тарқатмаслик борасидаги барча умидлари ва уринишларига қарама-қаршидир», дейилади Жанубий Корея Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида.

Шунингдек, Reuters ва Интерфакснинг берган хабарларида ёзилишича, Шимолий Корея масаласида Россия билан Япония ҳам қаттиқ ташвишга тушганлиги билдирилади.

## Ҳарбий мақсадларда фойдаланмоқчи

Батуми ва Ахалкалакадаги Россиянинг ҳарбий базаларидан Россия ҳарбийлари олиб чиқиб кетилгач, мазкур базалардан Грузия Мудофаа вазирлиги ҳарбий мақсадларда фойдаланмоқчи, дея хабар беради Интерфакс.

Мамлакат мудофаа вазири ўринбосари Гела Бежуашвилининг айтишича, Россия ҳарбийлари эгаллаб турган базалар Грузия армияси учун кўплик қилади.

Шунинг учун унинг ҳаммасидан мақсадли фойдалана олиши эҳтимолдан узоқ.

Грузиядаги мазкур базалардан Россия ҳарбийларини олиб чиқиб кетиш масаласи бўйича шу ойнинг охирларида музокаралар бошланади.

**1**

• МУЛОҲАЗА

Ҳар бир мамлакатнинг тупроғи унинг фуқаролари учун бебаҳо табиий бойлик. Тупроғи унумдор элда халқ бой бўлади, бой яшайди. Шукроналар бўлсинки, Президентимиз таъбири билан айтганда, «Аллоҳ назари тушган» юртимиз тупроғи зарга, одамлари заргарга қиёс.

Республикамиз аграр ўлка бўлгани учун ҳам унинг заминига, тупроғига, айниқса, тупроғининг унумдорлигига эндиликда ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор берилаяпти. Иқтисодиётимизнинг 60 фоиздан кўпроқ улушини елкасига ортмоқлаган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шу замин, шу тупроқ унумдорлигига боғлиқ, ахир!

Мақсадга кўча қолайлик: тупроқда ўсимликлар учун барча шароит етарли бўлсагина ҳосил кўп, дастурхон тўкин, эл тўқ бўлади. Бундай шароит учун эса агротехника усуллари бекаму кўст адо этилмоғи шарт. Агротехник усуллар комплексига: тупроқни ишлаш, суғориш, маҳаллий ва минерал ўғитлар бериш, ёввойи ўсимликларга қарши гербицидлар, ҳашаротларга қарши пестицидлар, ингибиторлар, дефолиантлар, десикантлар сепиш сингари тадбирлар киради. Улар тупроқ хоссалари, тупроқдаги сув, ҳаво, иссиқлик, озуқа режимларини ўзгартириб, бойитиб боради. Борди-ю, аксинча бўлса, тупроқ шўрланиши, ер ости сувлари кўтарилиб, ботқоқ ҳосил бўлиши, тупроқ эрозияга учраши, ифлосланиши, таркибида ҳаво, озуқа моддалари миқдори камайиши, элементлар ўртасидаги нисбат ва микроорганизмлар фаолияти ўзгариши мумкин. Деҳқонлар яхши билишади, бундай ўзгаришлар ҳар куни ва ҳар соатда бўлиб туради. Шу нуқтаи-назардан олганда, тупроқ ўсимликлар учун асосий муҳит бўлиб, у доим назоратда бўлиши зарур.

Собиқ иттифоқ даврида Қишлоқ хўжалик вазирлиги қошида «Ер ресурслари ва улардан фойдаланиш» бошқармаси ҳамда вилоятларда унинг бўлимлари бўларди. Бошқарма ва бўлимларда мутахассислар ер тузиш ишлари бўйича ишлаган, холос. Улар асосан ер майдони ва унинг ўзгариши ҳолатларини йил сайин ҳисоб-китоб қилишган. Кейинчалик хўжаликларнинг йирик масштабли тупроқ хариталарини тузишган. Тузилган хариталар хўжаликларга юборилган.

Бироқ, уларда тупроқ хоссалари, унумдорлик элементлари ўзгаришини ва ҳолатини назорат қилиб борадиган ташкилот ёки махсус ихтисослашган мутахассислар йўқ эди. Ажабланарли жойи шундаки, тупроқ ҳолати, хоссалари ва унумдорлиги билан шуғулланиши керак бўлган «Ер ресурслари ва улардан фойдаланиш» бошқармаси ваколати ердан фойдаланувчи Қишлоқ хўжалик вазирлиги ихтиёрига бериб қўйилганди. Яна ажабланарлиси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мутахассислари таркибида тупроқ унумдорлигига жавобгар шахс ҳам йўқ эди.

Устига-устак, республикада қишлоқ хўжалигига ўғит етказиб бериш «Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш» илмий-ишлаб чиқариш бошқармаси ва унинг қошидаги агрокимё лабораториялари зиммасига юклатилганди. Агрокимё лабораторияларининг вазифаси — тупроқнинг ҳайдалма қатламларида ҳаракатчан (яъни ўсимлик озиқлана оладиган) фосфор ва калий бирикмалари миқдорини аниқлаб, йирик масштабли харитограммасини тузиш, бериладиган ўғит меъёрларини аниқлаш эди. Тузилган бу харитограммалар ҳам хўжаликларга топширилларди. Бироқ, хўжаликларда тупроқ харитасини ҳам, агрокимё харитограммасини ҳам тушунадиган, ундан фойдалана оладиган мутахассис бўлмасди. Ҳолбуки, соҳа бўйича олий ўқув юртларини битирган тупроқшунослар эса иш тополмасдан юришарди. Масалан, хўжалик агрономлари бу ҳужжатларни амалиётда ишлатолмасди. Негаки, улар на тупроқшунос, на агрокимёгар эди. Пировардида, катта маблағ ва меҳнат сарф қилиб

**2**

# Тупроқ. Ҳосилдорлик. Мутахассис



**ЭКИН МАЙДОНЛАРИ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БЎҒИН — ТУПРОҚШУНОС, АГРОТУПРОҚШУНОС ВА АГРОКИМЁГАРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА**

тузилган хариталар ва харитограммалари қаерлардадир чанг босиб ётарди.

Республикамиз мустақил бўлгандан кейин Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тупроқ унумдорлиги ошириб борилишига эътибор ошди. Мамлакатда ер ресурслари, ер кадастри, улардан фойдаланиш, ўзгаришларни назорат ва тафтиш қилиш каби ишлар йўлга қўйилиб, Ўзбекистон ер ресурслари Давлат қўмитаси ва унинг вилоят бошқармалари, туман бўлимлари ташкил топди. Қисқа вақт ичида қўмита раҳбарлигида республикада суғориладиган ва лалми ерлар кадастри амалга оширилди. Йирик масштабда хўжаликларнинг тупроқ (сифат баҳоси) хариталари тузилди, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳолатлар аниқ белгиланиб, тупроқ ҳолатлари қаттиқ назорат остига олинди.

Лекин, муаммо шундаки, юқорида айтилганидек, ихтисослашган мутахассисларга ҳамон эҳтиёж сезилиб турибди. Олий маълумотли юқори малакали тупроқшунослар (тупроқ ҳолати, хоссалари ҳамда унумдорлигини мунтазам назорат қилиб борувчи чинакам кадрлар)-га ҳали штатлар жадвалида алоҳида лавозимлар ташкил этилганича йўқ. Наздимизда, бундай лавозим янги ташкил бўлган вилоят ер русурслари бошқармасида ва ҳар бир туман ер ресурслари марказида бўлиши керакка ўхшаяпти. Уларнинг 2 таси — ер тузиш ишлари бўйича, биттаси — тупроқшунослик бўйича ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, ҳар бир туман хўжаликларида ер тузувчилар ерни тақсимлаш, инвентаризация қилиш ишлари билан шуғулланса, тупроқшунос — тупроқ ҳолати, хоссалари ва унумдорлигини мониторинг тизимида назоратга олиш, улар ёмонлашишига йўл қўймаслик жа-

**3**

раёнлари билан шуғулланган бўларди.

Бугина эмас, тупроққа ишлов, ўғит, сув ва кимёвий ўғитлар бериш ишини илмий асосда ташкил этиш учун ҳам тупроқшунос мутахассислар зарур. Улар ишлов, сув, ўғит ва бошқа кимёвий ўғитлар беришни тўғри ёки нотўғрилигини назорат қилиб, тупроқ унумдорлигини кўтаришни амалга ошириб боришлари, агрокимё харитограммаларига кўра, ҳар бир контур, ҳар бир қишлоқ хўжалик экини нави учун ўғит меъёрлари, нисбати ва муддатини белгилашлари, технологиясини амалда қўллашлари ва ниҳоят бригада, фермер ва ширкат хўжалиги миқёсида озиқлантириш режаларини ишлаб чиқишлари керак бўлади.

Худди шу мақсадлар йўлида эндиликда тупроқшунос, агротупроқшунос ва агрокимёгар сингари мутахассислар тайёрланиши ва улар агрономия, деҳқончилик бобида ҳам назарий, ҳам амалий олий малакага эга бўлишлари лозим. Айни шу ихтисосликка эга кишиларгина агротехнология сифатини доимий назорат қилиб, тупроқ унумдорлигини ошириб бориш учун жавобгар шахслар бўлиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, ҳозир тупроқшунослик мутахассислари икки йўналишда тайёрланмоқда. Аммо улар қаерда ишлашлари аниқ белгилаб қўйилмаган. Бу эса давлат учун ҳам, тайёрланган мутахассис малакаси ва тупроқ тақдири учун ҳам бориб турган зарардан бошқа нарса эмас!

Фикримизча, биринчидан, ер ресурслари қўмитасининг вилоят, туман бошқармаларида тупроқнинг экологик ва мелиоратив ҳолати, хоссалари ҳамда унумдорлигини қаттиқ назорат қилиб борувчи, экин майдонлари ёмонлашуви ҳолларининг олдини олувчи тупроқшунос мутахассислар Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланса тўғри бўларди. Чунки, ЎзМУда тупроқшунос ихтисослиги бўйича мутахассислар мазкур ўқув даргоҳи ташкил бўлгандан буён тайёрлаб келинган. Қолаверса, бу ерда педагогик ва техник база етарли. Вилоятлардаги бошқа ўқув даргоҳларида эса (улар янги, ёш!) ҳали талаб даражасида шароит йўқ. Шу боиски, ЎзМУда тупроқшунослик факультети тикланса, айни муддао бўларди.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига тўғридан-тўғри аралашиб (вилоят ва туман қишлоқ хўжалик бошқармаларида), тупроқни яхшилаш, унинг унумдорлигини оширишга доир ҳужжатлар ва тадбирлардан тўғри, самарали фойдаланишни йўлга қўя оладиган ихтисослашган мутахассислар керак. Улар ишлов, сув, ўғит агротехнологиялари билан тупроқ ҳолати ва унумдорлигини тинмай ошиб боришни таъминлайдиган етук кадрлар бўлмоғи керак. Бундай кадрлар агротупроқшунос ва агрокимёгарлар бўлиб, улар қишлоқ хўжалик институтларида, хусусан Тошкент Давлат аграр университетида тайёрланиши мақсадга мувофиқ. Зеро, ТошДАУ кейинги йилларда бундай ихтисосликда мутахассис-кадрлар тайёрлаш учун ўз шароитларини анча яхшилаб олди.

Гап шундаки, вилоят, туман ер ресурслари бўлимларидаги тупроқшунослар қишлоқ хўжалик бошқармасидаги агротупроқшунос ҳамда агрокимёгарлар билан бирга, бир-бирларидаги маълумотлардан фойдаланиб, тупроқ ҳолати ва унумдорлиги яхшиланиб боришига ҳисса қўшибгина қолмай, унинг ижросини ҳам таъминлайдилар ва иш учун жавобгарлик масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

Қолаверса, назарий ва амалий муаммоларни чуқур ўрганиб, тупроқ ҳолатини яхшилашга хизмат қилиш — эндиликда давр талаби. Бунинг учун университетлар ва қишлоқ хўжалик тизимидаги олий ўқув юртларида иқтидорли ёш тупроқшунос, агротупроқшунос ва агрокимёгар мутахассисларни фанга жалб қилиш пайти ҳам келди.

Шундагина, Аллоҳ назари тушган заминимиз экин майдонларидан борган сари кўпроқ самара олиш ва еримизни келажак авлодга соғлом ҳолда қолдириш имкони яратилган бўлади.

**Жўра САТТОРОВ,**
**академик**

• ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

# Ватан ичра мўъжаз ватан

## — МАҲАЛЛАДИР. УНИ ОБОД ҚИЛСАНГ ИККИ ДУНЁИНГ ОБОД БЎЛГАЙ!

***Дунё конституциялари тарихида биринчи бўлиб «маҳалла» сўзи Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан ўрин олди. Унинг 105-моддасида бундай дейилган: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.***

***Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.»***

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 12 сентябрдаги Фармони билан Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилган кезларни эсланг. Ўзбекистон аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини авайлаб асраш ва бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга, етимларга ва ёлғиз қолган қарияларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатида бўлиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга кўмаклашиш, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари ишини мувофиқлаштириш жамғарманинг асосий вазифаси қилиб қўйилди. «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» қабул қилинган қонунда ҳам маҳалла фуқаролар кенгашининг ҳуқуқлари, бурчлари белгилаб берилди. Илгари туман ижроия қўмиталари бажарган бир қатор вазифалар маҳалла фуқаролар кенгаши зиммасига юкланди. Ва ниҳоят, Ўзбекистон Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2003 йил — Обод маҳалла йили деб эълон қилинди.***

***Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари, ҳуқуқшунос Садриддин ҲАСАНОВ билан бўлган суҳбатимиз шу ҳақда боради.***

— Ўзбекистондаги каби маҳаллага уюшиб яшаш, оқсоқол сайлаш ҳеч бир юртда йўқ. Шунинг учун ҳам уни дунёнинг ноёб ҳодисаси дейиш мумкин. Ҳар бир ўзбек учун маҳалла — Ватан ичра мўъжаз Ватан. У халқнинг ўзи яратган, мустақиллик даврида ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, ўзининг янги умрини бошлаётган жамоат тузилмаси, таъбир жоиз бўлса, демократия мактаби. Масалан, ҳозир Ўзбекистонда 12 минг маҳалла бор. Уларда маҳаллаларни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган республика дастурига кўра катта ишлар амалга оширилаяпти.

Қадимда маҳаллаларнинг ўз гузари бўлган. Уларда чойхона, новвойхона, қассобхона, баққоллик дўконлари ва бошқа маиший объектлар фаолият юритган. Мустақиллик йиллари бу анъаналар қайта тикланмоқда. Шу пайтгача 1,5 минг янги маҳалла гузари қурилди. Келгусида уларнинг сони 10 мингга етиши керак. Бундан ташқари маҳаллаларда кичик корхоналар, ёшлар учун спорт майдончалари бунёд этилмоқда. Ҳатто энг олис қишлоқлардаги маҳаллаларга ҳам газ, тоза ичимлик суви олиб борилмоқда. Йўллар асфальтланиб, транспорт қатнови яхшиланмоқда.

Ҳар бир инсон учун Ватан ўз хонадонидан, маҳалласидан бошланади. Агар маҳалла тинч бўлса туманда, шаҳарда, вилоятда ва бутун мамлакатда тинчлик бўлади. Зеро, қадимдан қолган «Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг», деган мақол бекорга айтилмаган. «Бир болага етти қўшни масъул» деган гапни ҳам халқимиз чиқарган. Яхши маҳаллаларда бирон-бир бола нотўғри иш қилса, «қийшиқ» қадам қўйса оқсоқоллар, обрў-эътиборли одамлар уни тўғри йўлга солишади, танбеҳ беришади. Қолаверса, эндиликда ҳар бир маҳалланинг ўз посбонлари ва уларнинг сардорлари бор.

Республика «Маҳалла» жамғармаси ташкил этилганига ўн йил бўлди. Жамғарма маҳаллалар ишини такомиллаштириш ва у ердаги йиғинларни ўтказиш сингари жиҳатлар бўйича услубий қўлланмалар тайёрлаб беряпти, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун бандларининг бажарилишини назорат қилмоқда. Барча ёшларнинг мактабда ўқиши инобатга олиниб, маҳалла-мактаб концепцияси ишлаб чиқилган. Иқтидорли болаларга йиғин томонидан моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Яхши ўқиган ёшларга олий ўқув юртларига киришлари учун тавсиялар беряпти. Уч йилдирки, ёзги уч ойлик таътил даврида маҳалла болаларининг республика футбол мусобақалари ўтказилаяпти. Яқинда маҳалла паҳлавонларининг республика биринчилиги ҳам ўтказилди.

2003 йилни Обод маҳалла йили, деб эълон қилинишидан мақсад — маҳаллада ижтимоий ишларни жонлантириш, демократик тамойилларни такомиллаштириш, ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш ва маҳаллани молиявий қўллаб-қувватлашни яхшилашдан иборат.

**— Маҳаллаларда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамият сари» деган тушунча борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида нима дея оласиз?**

— Президентимизнинг Конституциямиз ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқларидан бир жойини ўқиб берайин: **«... Ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мададга муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари мансабдорларининг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағларни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтирса, яъни маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолимизнинг розилигини олган бўламиз.»**

Демак, «Маҳалла» жамғармаси олдидаги энг муҳим вазифа — фуқароларнинг давлат олдидаги бурчларини бажаришларига эришиш, уларнинг кам таъминланган табақасини ижтимоий ҳимоялашни тобора такомиллаштириб боришдан иборат.

**— Садриддин Ҳусниддинович, Юртбошимизнинг нутқида тўй-ҳашам ва маъракаларни ихчамлаштириш тартибли ўтказиш лозимлиги ҳақидаги гапларига сизнинг муносабатингиз?**

— Дарҳақиқат, турмушимизда тўй-маърака, диний маросимларни ўтказишда дабдабабозлик мавжудлиги бор гап. Шўро тузуми даврида кишилар катта тўй қилгани ҳам, каттароқ иморат солгани ҳам қўрқишарди. Бундай қилганлар газетада фельетон бўлиб, лавозимларидан олиниб, партия сафидан ўчириларди. Эндиликда бундай жазолар йўқ. Фуқароларимиз ўзлари топган пулни ўзлари хоҳлаганларича сарфлайдилар. Лекин шуни унутмаслик кераккИ, эркинлик — бу бебошлик эмас. Миллий қадриятлар ва ота-боболаримизнинг турмуш фалсафасини назар-писанд қилмаслик яхшиликка олиб бормайди. Халқда «кўрмаганнинг кўргани қурсин», деган нақл ҳам бор. Имконим бор, деб икки юз килолаб ош дамлаб тўй қилиш, зарурат бўлса-бўлмаса ўн беш-ўн саккиз хонали уйлар қуриш турган-битгани дабдабабозлик эмасми? Қолаверса, бу — бориб турган исрофгарчилик-ку. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам «Енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар» деганлар. Илгари тўйларимиз дабдабали бўлмаган. Қиз чиқараётган хонадонга қуда томондан икки пудли қозонда ош келарди. Бу ошни бутун маҳалла, қариндош-уруғ баҳам кўрарди. Ҳозир қиз чиқараётган айрим оилалар 120-150 килолаб ош дамлашаяпти. Ота-онаси қазо қилса: йигирма, қирқ, йил ошларини катта-катта маросимларга айлантириб юборишаяпти. Ҳолбуки, бундай «ошиб кетиш» ҳоллари ҳеч кимга фойда бермайди. Исрофгарчилик бир кунмас-бир кун хорлик келтиради, деганлар.

Илгари ота-оналар фарзандларига: ўртада юргин, элдан ўтиб кетмагин, ҳамма нарсанинг ўртачаси яхши, деб ҳам ўргатишган. Элда ҳар хил оила бор: бири яхши, бири ўртача, яна бири ночор. Тақдир тақозоси билан бадавлат одамга қуда бўлган оила қудасига тенглашаман деб натижада, қарзга ботиб, уни тўлайман деб жиноят йўлига кириб кетганини билмай қолиши ёки моддий оғир аҳволга тушиб қолиши ҳеч гапмас-да. Ўша 200 килограмм ош дамлаган оила 50 килограмм ош дамлаб, қолган маблағни бошқа нарсаларга сарфласа, масалан, ёшларга яхши турмуш кечиришлари, уларни ўқиши учун мақбул шарт-шароит яратиб берса бўлади-ку. Ёхуд бошқа ночор оилалар ёки ҳеч бўлмаса, қариндош-уруғларига ёрдам берса, нур устига аъло нур эмасми?

Ҳар бир инсон топганини расамади билан сарфлашга ва уни фақат яхши мақсадларгагина ишлатишни ўрганиш пайти ҳозир.

**— Республикамизнинг обод, намунали маҳаллаларидан баъзиларини санаб ўтсангиз...**

— Улар кўп. Масалан, Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номидаги, Навоий вилояти, Кармана шаҳридаги «Деҳқон», Собир Раҳимов туманидаги Мирза Ғолиб, Акмал Икромов туманидаги «Оқтепа», Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Иттифоқ» сингари маҳаллаларни обод, намунали маҳаллалар қаторига қўшиш мумкин. Республика кўрик-танловларининг ғолиби бўлган мазкур маҳаллаларда турли миллатга мансуб аҳоли катта бир оиланинг аъзоларидек тинч, аҳил ҳаёт кечиришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, улардаги турмуш тарзи ва маҳалла фуқаролари кенгаши аъзоларининг фаолияти бизнинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамият сари бораётганимиздан далолат бермоқда.

**Суҳбатдош:**
**Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ**



**Бешикчиликда ҳикмат кўп. Халқимизда бешиксоз ҳунармандлар азалдан ардоқланиб келинган. Ўзбек хонадонининг файзи ҳам, кўрки ҳам бешик. Бешик кириб борган ҳовли нурга тўлади.**

**Марғилоннинг «Чорчинор» маҳалласида истиқомат қилувчи Сотволди Шокиров халқ томонидан бежиз «уста» дея қадрланмайди. Бунинг боиси бор. Ота ясаган бешиклар бир-биридан чиройли ва бежиримлиги билан бутун юртимизга донг таратган. Боболардан қолган меросимизнинг боқийлиги айнан уста ясаган бешикларда мужассам.**

✧✧✧

**Суратда:** бешиксоз уста Сотволди Шокиров.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

# Сержило тафаккур дурдоналаридан*

**ГЕОРГ ВИЛЬГЕЛЬМ ФРИДРИХ ГЕГЕЛЬ — НЕМИС ФАЙЛАСУФИ. НЕМИС МУМТОЗ ФАЛСАФАСИНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВАКИЛИ. 1770-1831 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:**

**(Давоми. Боши аввалги сонда.)**

- Мулоҳазалилик – бошқаларнинг кайфиятини бузмаслик ва уни унинг ўзи учун сақлашдадир.
- Ҳақиқат, ишнинг амалга оширилишига хизмат қилганида, жойида ва вақтида айтилган бўлади.
- Сўзлаш қобилияти — ғоят кучли восита, бироқ, ундан фойдаланиш учун кўп ақлга эга бўлмоқ керак.
- Дўстларингга нисбатан, мумкин қадар, камроқ малол келадиган бўлмоқ зарур. Ҳаммасидан назокатлиси – дўстларингдан ҳеч қанақа хизмат талаб қилмаслик.
- Чинакам хушмуомалаликни айни бурч сифатида қарамоқ зарур, негаки, биз, умуман, бошқаларга нисбатан хайрихоҳлик ҳис этмоғимиз лозим.
- Эркин киши ҳасадгўй бўлмайди, балки, улуғворлик ва юксакликни бажонидил эътироф этади ҳамда уларнинг борлигидан қувонади.
- Тарбияга татбиқан, қандайдир бир одамнинг, — унинг ўғли учун қандай тарбия энг яхши бўлган бўлур эди деган, — саволига пифагорчининг жавоби бирдан-бир тўғридир. Ушбу жавоб шундай: «Агар сен уни энг яхши тузилмага эга халқнинг фуқароси қилсанг». /Пифагорчи Ксенофил ўғилни қандай қилиб, ҳаммасидан яхши тарбиялаш мумкин, деган саволга жавоб берди: «Уни қонуни яхши давлатда дунёга келтир»./
- Ўзининг энг юқори ҳақиқатлигида ҳар қандай воқелик юксак тимсолдир.
- Одамнинг бурчлари тўртта турга бўлинади:
  1) ўз олдидаги бурчларига;
  2) оила олдидагиларга;
  3) давлат олдидагиларга;
  4) бошқа одамлар олдидагиларга.
- Ор-номус тамойилининг асосий таърифларидан бири шундаки, ҳеч ким ўз хатти-ҳаракатлари билан бировга ўз устидан устунлик бермаслиги лозим.
- Одам ўз устидан ҳукмрон бўлмагунча, табиат устидан ҳукмрон бўла олмайди.
- Билиш туфайли одам мангу барҳаётдир. Билиш, тафаккур, бу — унинг ҳаёти, мангу барҳаётлигининг илдизи.
- Ўзи эркин бўлмаган киши учун бошқалар ҳам эркин эмаслар.
- Одам табиат томонидан ўрнатилган зарурат билан курашишга мажбур. Унинг ахлоқий бурчи — ўз фаолияти ва идроки воситасида эркинликни қўлга киритиш.
- Фақат улкан мақсадларни рўёбга чиқариш орқали, одам ўзида, уни бошқалар учун маёққа айлантирадиган, улкан феъл-атворни пайқайди.
- ...Қайсарлик жирканчдир.
- Ҳақиқатни, уни айтиш жоиз бўлганида, айтмаслик пасткашликдир, негаки, бу ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам ерга уради. Бироқ, агар бунга майл ёки ҳуқуқлари бўлмаса ҳам ҳақиқатни гапирмаслик керак.
- Сиёсий таназзулга шиддат билан яқинлашаётган халқнинг тақдири олдиндан фақат даҳо томонидан бартараф қилиниши мумкин.
- Қалбнинг кўзлари билан қарамоқ керак, зеро, жисмоний кўзлар билан ҳақиқатни *билишнинг* имкони йўқ.
- Мен кўплаб ажойиб фанларни биламан, аммо, фалсафадан ажойиброғини билмайман.
- Фалсафа тарихи, ўз натижасига кўра, инсон руҳияти хатолари силсиласига эмас, балки, кўпроқ, моҳиятан, ғоянинг, диалектик тараққиётда бирин-кетин келадиган, ҳар-хил босқичлари – илоҳий қиёфалар дахмаси билан муқояса қилинмоғи лозим.
- Фанларда нимаики ақлга асосланган бўлса, ҳаммаси фалсафага боғлиқ.
- Фалсафа қандайдир бир хилватомуз нарсадир. У, албатта, кўчалар ёки бозорларнинг иши эмас; у, шунингдек, уларга ўзининг кундалик манфаатларини қўядиган одамларнинг ишларидан, ва беҳудаликдан иборат билимлардан ҳам узоқ.
- Фалсафа тушунчаларни бошқаради, улар эса дунёни бошқарадилар. Руҳ онг ёрдамида дунё устидан ҳукмронлик қилади. Бу унинг асбоби, ундан кейингина найзалар, замбараклар ва мушаклар. Саркарданинг байроғи ва жони – руҳ. На найзалар ва на олтин, на фитна ва на маккорлик ҳукмронлик қиладилар. Улар соат мурватидаги тишли ғилдиракларга ўхшаб яшайдилар, аммо, унинг жони – вақт ва моддиятни ўз қонунига бўйсундирувчи, руҳ. «Илиада» тасодифан туғилмаган, найзалар ва замбараклар билан ҳеч қандай улуғворлик яратилмаган; бастакор — ҳамиша руҳ.
- Бутун дунё тарихида, одамларнинг ҳаракатлари туфайли, уларнинг интилаётганларига қараганда, умуман олганда, талай бошқача натижалар ҳам юз берадилар.
- Далилларга шу қадар ёмон. /Гегель унинг назарияси далилларга мос келмаётганлиги ҳақидаги фикрга кунлардан бир кун шундай жавоб берган./
- Тарих соҳаси ахлоқ соҳасидан юқори.
- Ҳамма воқеий нарсалар оқилдирлар, ҳамма оқил нарсалар воқеийдирлар.
- Барча чинакам оламшумул тарихий воқеалар икки маротаба юз берадилар: биринчи маротаба – улкан фожиа, иккинчи маротаба – жирканч масхарабозлик кўринишида.
- Фалсафада ва динда мазмун, эҳтиёжлар ва манфаатлар умумийдир.
- Фалсафа дунёвий ҳикмат эмас, балки, ғойибоналикни билишдир.
- Фалсафа дин билан айнандир.
- Фақат битта одам мени тушунди; у ҳам мени, тўғрисини айтганда, тушунмади.

**Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

***Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрдаги сонидан бошлаб берилмоқда.**




## Жаҳон юлдузлари сараланмоқда




*Европа футбол федерацияси 2002 йилнинг рамзий терма жамоаси — «Орзу жамоа»ни таркиб топтириш учун 60 нафар ўйинчи ва мураббийлардан иборат тахминий рўйхатни аниқлади. Албатта, бу ўйинчи ва мураббийлардан кимлар «Орзу жамоа»сига кириш-кирмаслигини мухлислар ҳал қилади. Бултур бундай жамоани тузишда 3 миллиондан ортиқ ишқибоз иштирок этган бўлса, бу йил бу рақамнинг янада кўпроқ бўлиши кутилмоқда. «Орзу жамоа»си учун овоз беришлар 31 январга қадар давом этади. Албатта, овоз беришда ҳар бир ўйинчи ва мураббийнинг ички чемпионатдаги фаолияти ҳамда Европа биринчиликлари, Корея ва Японияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати финал ўйинларидаги иштироклари ҳам инобатга олинади.*

## Катта теннис билан хайрлашди

*Австралия теннисчиси Патрик Рафтер расмий равишда профессионал теннисдан кетмоқчи эканини баён қилди. Маълумки, бултур Рафтер жароҳати туфайли танаффус олган эди. Бу даврда унинг соғлиғи тикланди. Катта теннисга қай-*



*тиш имконияти юзага келди. Лекин Рафтернинг фикрича, теннис ўйнаш учун спортчидан ҳам жисмоний, ҳам руҳий имкониятлардан юз фоиз фойдаланиш зарур бўлиб, ҳозирча унинг бундай ҳолати йўқлигини эътироф этди. Балки Патрик мураббийлик йўлида саъй-ҳаракат қилса, ажаб эмас.*



## Мақсад — туризмни ўнглаш

*Индонезияда 2002 йил 12 октябрда содир этилган террорчилик акти туфайли оз эмас, кўп эмас 180 нафар сайёҳ ҳаётдан кўз юмган эди. Натижада, денгиз бўйидаги соҳилларга сайёҳларнинг ташриф буюриши камайиб бормоқда. Мамлакат туризм ишбилармонлари саёҳатчиларни чорлаш мақсадида, машҳур теннисчи Анна Курникова шуҳратидан фойдаланишни ният қилишмоқда. Асосан, Австралия туристлари ташриф буюрадиган сўлим соҳиллар Анна баҳонасида яна гавжумлашадиган бўлди.*

Ўзбекистон ХДП Акмал Икромов туман кенгаши халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг депутати, 2-автокомбинат ОАЖ раҳбари Валиев Убайдулла Манноповичга отаси

**МАННОП ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси, профессор-ўқитувчилари «Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш» кафедраси доценти, техника фанлари номзоди

**Шавкат Қаюмович ПЎЛАТОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma`murjon QIYOMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 066
15855 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA